

Янги антикоагулянт “асфинол” таблеткасининг ўткир захарлигини аниқлаш

Х.У. Алиев, Ш. Мамасолиева, Х.М. Камилов, М.А. Худойбердиев
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Адабиётлардан маълумки кўпчилик касаликларда қонинг ивиш жараёни кучайиб кетади. Айниқса ёши улуг қарияларимизда қони ивиш жараёни кучайиши билан кечувчи қон босими, юрак ишемик атеросклероз ва юрак етишмовчилиги касалликлари кўпроқ қайд этилди. Бундай ҳолларда антикоагулянт препаратларни қўллаш тавсия этилади.

Ишнинг мақсади: юқоридагиларни инобатга олиб янги антикоагулянт препарат “Асфинол” ни ўткир захарлиги ва резорбтив таъсирини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Усуллар: “Асфинол” таблеткаси институтимизнинг “Биотехнология” кафедраси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир таблеткада 0,3 г сафинол сақлайди “Асфинол”нинг ўткир захарлиги ва резорбтив таъсири 54 та массаси 20 – 24 г лаборатория сичқонларида ўрганилди. Бунинг учун битта таблеткани 2 мл дис. сувда эритиб олдик ҳосил бўлган 1,5 % ли суспензияни оғиз орқали 0,2 – 0,6 мл. гача хайвон массасига юборилди. Назорат сичқонларга таблетка эритмаси юборилгач, 2 кун лабораторияда ва 2 ҳафта вивария шароитида олиб борилади.

Натижалар: “Асфинол” таблеткасини суспензиясини 500 – 1000 мг / кг олган хайвонларнинг ҳаракатчанлиги, мушаклар тонусини сусайиши, ташқи таассуротларга жавоб реакцияларида деярли ўзгаришлар бўлмади. Бутун назорат даврида сичқонларнинг умумий аҳволида юборилган препаратга боғлиқ бирон-бир салбий реакциялар қайд этилмади, препаратни 2000 – 3000 мг/кг дозаларда олган сичқонларда умумий тинчланиш, мушаклар тонусини сусайиши, нафас ҳаракатини бузилиши намоён бўлди. Тажрибани 1-2-чи кунлари 2500 – 3000 мг / кг доза олган сичқонлар гуруҳидаги 6 та сичқондан мос равишда 2 та ва 5 тасида ўлим ҳолати қайд этилди.

Хулосалар: “Асфинол” таблеткаси бир мартаба оғиз орқали берилганда нисбатан токсик таъсирга эга экан. Препаратнинг ҳар томонлама токсикологик характеристикасини чуқурроқ ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.